



ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, “МАҲАЛЛАБАЙ” ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДИР



Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 4 февраль куни Фарғона вилоятига келди.

Ташриф дастури жуда тигиз ва мазмунан бой. Биринчи манзил — Олтиариқ туманидаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперацияси бўлди.

Олтиариқликлар деҳқончилиги, омилкорлиги билан танилган. Уларга ер берилса, ўзини ҳам, элини ҳам бой қилади. Лекин, бошқа маҳсулотларга нисбатан даромади камлигига қарамай, бу туманда ҳам пахта ва ғалла кўп экилар эди. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, бозорбоп экинлар экишга қаратилган сиёсати кўли гул деҳқонлар ва ёшларга катта имконият очди.

Президент келган кооперациянинг 6 гектарлик тоқзори ўрнида илгари пахтадан 20, ғалладан 25 центнер ҳосил олинар эди. Утган йили бу ерда боғ яратилиб, “хусайни”, “келин бармоқ”, “ризамат” навли узум кўчатлари экилган. Қатор ораларида помидор, бодиринг, кўкатлар, қалампыр ва бошқа сабзавотлар етиштирилмоқда. Томчилатиб сўғориш тизими жорий қилинган.

Энг муҳими, бу майдон 51 нафар ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирларига ажратиб берилган. Улар плёнка остига сабзавотлар экиб, йилига тўрт мартагача ҳосил олиши мумкинлигини айтишди.

— Ҳар бир ёш ҳақида ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман, — деди Шавкат Мирзиёев улар билан суҳбатда. — Ёшларни тезроқ иш билан таъминлаш учун катта имкониятларимиздан бири ҳозирча шу. Ҳаётда ўрнини топан инсонда ўзига ишонч, интилиш пайдо бўлади. Бугун ёшларга даромад манбаи яратиб, иш ўргатиб, тетапоқ қилсак, 2-3 йилдан кейин ҳеч кимга қарам бўлмади — банкда ҳисоб-рақами бўлади, уй олади, яхши яшайди, болаларини яхши тарбиялайди.

Президент ёшларга ўқиб-ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича маслаҳатлар берди.

— Ҳаёт — кураш, рақобат. Бу курашда ким кучли бўлади? Ақлли, билимли, меҳнат қилган. Бугун ёшлар

давлатимизнинг эътиборини ҳис этиши, кўп ўқиб, кун сайин билимини ошириб, ривожланишда давом этиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Ерларни ажратиб бериш орқали Фарғона вилоятида 200 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Файзли боғлар сари” узумчилик кооперациясининг умумий ер майдони қарийб 130 гектар. Шундан 40 гектар майдонда тоқзор, 90 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган. 2 минг тонна сиғимли музлаткичли омбор, юк машиналари бор. Етиштирилган маҳсулотларнинг катта қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ерда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилмаган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан жонли мулоқот қилди.

— Сизлар менга кўмакчи ва елкадошсиз. Мен сизларни ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам халқимизга

адолатли етказаятган куч деб билман. Сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман: изланишдан эринманглар. Адолатни халққа етказишдан қўрқманглар. Нимага десангиз, ортингизда Президент турибди. У замонлар ўтиб кетди. Фақат адолат, адолат ва ҳақиқат. Қанча кўп ҳақиқатни етказасан, шунча кўп манфаат бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Риштон туманида қурилган Халқаро қўлчилик марказини бориб кўрди.

Илгари риштонлик қўлоллар ўз уйида, тор устахоналарда ишларди. Хорижий туристлар учун шароит йўқ эди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили туманга 15 мингдан ортиқ хорижий сайёҳ келган. Агар кўшни Қирғизистон орқали Россия ва бошқа мамлакатлардан келиб, Риштондан ўтадиган туристларни ҳам қўмса, бу рақам яна бир неча мингга ортади. Бу туманининг сайёҳлик салоҳияти юқорилигидан далолат.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Концепция доирасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин ва у қуйидаги йўналишларда фаолият юритишга масъул этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва кооперациялари ҳамда илгор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш;

барча турдаги давлат илмий ва олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш;



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатиш янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Фанлар академиясининг:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) тизимиди:

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси негизда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтини;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси ва Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси негизда Дон ва шол илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш;

б) қуйидагилар: Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини;

“Узарокимёхимова” акциядорлик жамиятининг “Усимликларни химия қилиш илмий-тадқиқот институтини” масъулияти чекланган жамиятини белгиланган тартибда давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этган ҳолда Миллий марказ тизимига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси маъсулигида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин: Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;

Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш;

Алишер Навоийнинг илмий-адабий

меросини тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-иқодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана — 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва “Навоийхонлик кунлари”ни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Қуйидагилар: Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди Вазирлик кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Ижро этувчи дирекция Фонднинг ижро органи ҳисобланади ва унга ижрочи директор раҳбарлик қилади.

4. Вазирлик кенгашига қуйидаги ваколатлар берилсин: Фонднинг даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларини ҳамда маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш; ижрочи директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

Ижро этувчи дирекция томонидан Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлаш; зарур ҳолларда, штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Фонднинг тузилмасига ўзгартириш киритиш;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини ҳамда ҳомиёларни жалб этиш.

5. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 4 февраль

ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ – ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, “МАҲАЛЛАБАЙ” ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДИР

 Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги фармонидан кейин хунармандчиликни ривожлантириш ва хунармандлар учун кенг имкониятлар яратила бошланди. Мазкур фармонга мувофиқ, ўтган йилларда Қўқон ва Марғилон шаҳрларида хунармандчилик марказлари қурилган эди. Риштондагиси қулолчилик йўналишида бўлди.

Агар Марғилон атлас ва адраслари, Қўқон ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактаблари билан машҳур бўлса, Риштон қадимий қулолчилик санъати билан дунёга танилган. Бу ерда тайёрланган сопол идишлар ўзига хос дизайни, экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Риштон қулолчилик маҳсулотларининг ярмидан кўпи ташқи бозорда харидордир.

Пандемия даврида аҳолининг уйда ўтириб, хунармандчилик билан шугулланиши ва даромад топишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатда туманда Халқаро қулолчилик маркази барпо этилди. Бу ерда 20 та икки қаватли қулоллар хонадони, Риштон тарихи музейи, банк хизматлари маркази қурилган. Уларнинг биринчи қаватида устакхона ва савдо дўкони жойлашган, иккинчи қаватда хунармандлар оиласи яшайди.

Хонадонларнинг ҳар бирида 6 ўринли меҳмонхона ҳам мавжуд. Чет эллик сайёҳлар бу ерда яшаб, қулолларнинг иши билан танишиши мумкин.

Марказ фойдаланишга топширилиши билан 250 га яқин иш ўрни яратилди. Қулолчилик маҳсулотлари Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Туркия, Россия, Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назиров устакхонасида бўлди. Қўғазмага қўйилган қулолчилик буюмларини кўздан кеңирди.

— Бу идишларда меҳнат билан, юрак билан бирга тарих ҳам бор. Ҳаммаи йўналишларда миллий анъаналаримизни тиклаялмиз. Сопол буюмлар ҳам миллий қадриятимиз. Уларни яна оммалаштириб, ҳар бир хонадонга киритиш керак. Уларни чет элликлар жуда қадрлайди. Чўнки чиройли, сифатли, экологик тоза. Ўртимиздаги ҳар бир уйда мана шундай идишлар бўлса, ҳам миллий ифтихор, ҳам маънавият бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент таниқли қулоллар Музафар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Қулолларга айланма маблаг ва имтиёзлар бериш, бошқа ҳудудларимизда дўконлар очилишига кўмаклашиш, мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналарида кўргазма-савдо расталари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Халқаро қулолчилик марказида “Хунарманд” уюшмасининг туман бўлими, ўқув маркази ҳам жойлашган.

Қурилиш жараёнида шу ердаги Хўжа Рушноий мақбараси обод қилинган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу мақбарани ҳам зиёрат қилди.

Шу ерда вилоятда “маҳаллабай” тизими асосида ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Президентга Бағдод тумани мисолида уч бўғинли “маҳаллабай” ишлаш тизими тақдимот қилинди. Ушбу уч бўғинли тизимда ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат доимий вакил бириктирилади. Улар маҳалла раислари билан бирга хонадонлардаги аҳолини, ишсизлар сонини, уларнинг қизиқишлари, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”, мавжуд тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш масалаларини ўрганиб боради.

Ушбу ўрганишлар чоғида ишлаб чиқилган таклифлар иккинчи босқичда ҳар бир сектор қошида иқтисодий комплекс ходимларидан тузиладиган бошқарув офисларига берилади. Бошқарув офисларида ўша ҳудуддаги тижорат банклари раҳбарлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, солиқ, молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлиmlарининг масъул ходимлари аниқланган муаммо ва таклифлар асосида ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқади ва уларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўради.

Учинчи босқичда туманларда ҳокимларнинг биринчи ўринбосари бошчилигида мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилади. Улар ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”ни тасдиқлаб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий кенгашларга ҳисобот беради, маҳалла раислари билан бирга бошқарув офислари фаолиятини муҳокама қилиб боради.

Шавкат Мирзиёев ушбу уч босқичли тизимни бутун мамлакатимизга жорий этиш бўйича топшириқ берди. Ўз уйида тикувчилик цехи очиб, маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаган учкўприклик аёллар, нодавлат ўқув марказлари раҳбарлари билан мулоқот қилди. Улар фаолиятини кенгайтириши учун логистикага қулай жойда замонавий комплекс қуриб бериш бўйича мутасаддиларга вазифа қўйди.

Фарғона вилоятида 400 дан зиёд қўшма ва хорижий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Истиқболли лойиҳалар асосида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида қишлоқларга саноат кириб, қўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Фарғона туманининг Логон қишлоғидаги “Vodiy-Shoes” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари қисқа вақтда ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топди. Маҳсулотлар пишиқ-пuxталиги, бежирим кўриниши билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун махсус пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона фаолияти билан ҳам танишиди, тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кеңирди.

Қайд этиш лозимки, Президентимизнинг Фарғона вилоятига аввалги ташрифлари чоғида ушбу корхона лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Давлатимиз раҳбари, аввало, тайёрланадиган маҳсулотлар экспортбон ва сифатли бўлиши лозимлигини таъкидлаб, энг замонавий ускуна ва технологиялар олиб келиш, корхонада ишлайдиган ёшларни ўқитиш бўйича топшириқлар берганди.

Қўшма корхона ўтган йилги фойдаланишга топширилди. 4,1 гектар майдонга эга қўшма корхонада умумий қиймати 16 миллион доллардан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, Италия, Туркия ва Германиядан замонавий ускуна ва технологиялар олиб келинди.

Логон, Каптархона, Вазӣб, Аввал каби қишлоқларда яшовчи ўнлаб ишлар малакали мутахассислар ёрдамида касбга ўқитилди. Ўнг муҳими, бугун улар бу ердаги замонавий технологияларни беамалол бошқармоқда.

Корхона маҳсулотлари асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Фақат пойабзал таг қисми учун махсус қўшимча Германиядан олиб келинади.



Айни пайтда 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Корхонада биринчи босқичда йилгига 1 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилимоқда. Асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилгани учун таннархи ҳам арзон. Шу боис ички бозорда импорт ўрнини босиб, хорижийки билан рақобатлашмоқда. Экспорт мўлжали — 12 миллион доллар.

Иккинчи босқичда корхона қувватини 2 миллион жуфтва етказиш режалаштирилган. Шу мақсадда яқин атрофдаги 18 та маҳалла хотин-қизлари касаначилик асосида ишга жалб қилинади. Натижада 5 мингдан ортиқ аёлларнинг бандлиги таъминланади.

Президент шу ердаги тўқимачилик корхонасини ҳам кириб кўрди. “Баходир Логон” пахта-тўқимачилик кластерига қарашли мазкур ширкат йилгига 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувва-тига эга. Япония, Туркия, Германия ва Швейцариядан ускуналар келтирилиб, ил-калага ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 480 кишининг бандлиги таъминланган, шундан 300 нафари ёшлар.

Бу биринчи босқич бўлиб, 2022 йилда

иккинчи босқични амалга ошириш режалаштирилган. Унинг натижасида 1 минг 800 та янги иш ўрни яратиб, экспорт саноҳиятини 16 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари хомашёни қайта ишлашни янада кенгайтириб, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг муҳими, бозор топиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилоятида 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими тоқазилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 майда Фарғона вилоятида бўлганида тошдан қозғош ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Фарғона шахрида “Fergana stone park” корхонаси бўлиб амалга ошди.

Хитойдан ноёб технология олиб келиниб, йилгига 9 минг тонна қозғош тайёрлаш қувватига эга бўлди. Президент ташрифи арафасида ушбу корхона синов режимида ишга туширилди.

Тошдан ясалган қозғош бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, целлюлоза қозғош тайёрлаш учун жуда кўп сув сарфланади, заҳарли моддалар борлиги туфайли бу сув яроқсиз бўлиб қолади.

Тошдан қозғош ишлаб чиқаришда эса сув ишлатилмайди.

Иккинчидан, мустаҳкамлиги, чидамлилиги оддий қозғошга нисбатан юқори. Ўзидан сув ўтказмайди, доғ юкмайди. Шу боис тошдан олинган қозғош матбаачиликда, қадоқ ва гулқозғош ишлаб чиқаришда жуда қулай. Ташқи бозорда харидордир.

Корхонада 60 киши иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари иш жараёнини, қозғош сифатини кўрди.

— Қозғош тайёрлаш қадимий хунармандчилик йўналишларимиздан бири. Ўз даврида Самарқанд қозғоши дунёга машҳур бўлган. Бу корхона — тарихий анъаналарнинг саноат даражасида қайта тикланиши, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ҳам кўздан кеңирди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёидилла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тизимли равишда тақомиллаштирилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг **йиллик иш режасини** ҳамда **улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш** индикаторларини тасдиқласин;

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги **илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиёти**ни йўлга қўйсин.

Илмий-тадқиқот институтларига бириктирилаётган вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари руйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Миллий марказ Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Миллий марказ ўз тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита **раҳбарлик қилади**, чорвачилик йўналишлари, урмон ва сув хўжалиги, ипакчилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан **ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди**, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради;

Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, “Агроинновация” ДУК, “Ўза уруғчилиги маркази” негизида ташкил этилади;

5. 2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқотлар ва инновациялар ишларга буюртмаларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг кўйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш **2021 йил 1 апрелга қадар Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича кейинги беш йилга мўлжалланган дастурини** (кейинги ўринларда — беш йиллик дастур) ишлаб чиқади ва эълон қилади.

Беш йиллик дастур қишлоқ хўжалиги соҳасидаги идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан, агросаноат кластерлари, кооперативлар, фермер ва деҳқон хўжаликларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

б) беш йиллик дастурда назарда тутилган йўналишлар қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

в) беш йиллик дастурда назарда тутилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан таклиф этилган ва бюджетдан молиялаштирилмаган ёки тўлиқ молиялаштирилмаган лойиҳаларни ҳамда

бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Миллий марказ ҳузурида **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари республика бюджети, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомиёлик хайриялари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ва уларнинг яқуний натижасидан фойдаланиш истиғини билдирган қишлоқ хўжалиги субъектлари ва бошқа шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма маблағларини бошқариш Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи — **Миллий марказ** томонидан амалга оширилади.

Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг бюджет маблағлари ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши уларни молиялаштириш учун бошқа маблағларни тўғридан-тўғри жалб қилишни истисно қилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

2021-2022 йилларда Миллий марказнинг **Республика агрохизматлар маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда — ҳудудий агрохизматлар марказлари);

2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич қишлоқ туманларида Миллий марказнинг **туман агрохизматлар марказлари** (кейинги ўринларда — туман агрохизматлар марказлари) ташкил этилсин.

7. Белгилансинки:

а) Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман агрохизматлар марказлари;

Жаҳон банкнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида ажратилмаган маблағларни жалб этган ҳолда ёки **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида** ташкил этилади;

ўз фаолиятини ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизими асосида амалга оширади;

б) ҳудудий агрохизматлар марказлари Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг ҳудудий бўлинмалари негизида ташкил этилади;

в) Республика агрохизматлар маркази, ҳудудий ва туман **агрохизматлар марказлари ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда** ташкил этади: ҳудудларнинг узоқ муддатли ривожланиш тенденциялари ва инсон капитали бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

хорижий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий ташкилотларга

тайёр илмий ишланмалар ва тегишли илмий маслаҳатларга буюртмаларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳаларининг долзарб йўналишлари бўйича тайёрланган илмий ишланмаларни ҳудудлар шариоитига мослаштириш йўналишидаги тадқиқотларни амалга ошириш, унинг натижаларини бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга етказиш;

ҳудудлар аграр соҳаси асосий ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда халқаро тажрибалар ҳамда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги барча хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги субъектларига бевосита ва он-лайн ҳама “call-марказ” орқали хизмат кўрсатиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4803-сон қарорига асосан қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва илмий-тадқиқот институтларини трансформация қилишга Жаҳон банкнинг 160 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур маблағлар Миллий марказ, унинг тизимидаги муассасалар ҳамда агрохизматлар марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг билим ва қўнимчаларини ошириш, қайта тайёрлаш ва лойиҳада назарда тутилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

9. 2021 йил 1 мартдан бошлаб, тажриба тариқасида, Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларида тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда **кичик илмий-инновацион корхоналар** ташкил этишга руҳсат берилсин, бунда:

а) илмий-тадқиқот муассасаси:

ҳудудларнинг туپроқ-иқлим шариоитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг **илмий асосланган ҳолда экилишини** ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилиги ва селекциясини йўлга қўяди, **янги нав ва дўрағайларни яратди**;

ўсимликларни зараркундалардан асраш, туپроқ унумдорлигини ошириш бўйича **илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқади**;

б) тадбиркорлик субъектлари:

илмий-тадқиқот муассасасининг янги нав ва дўрағайларни яратиш бўйича фаолиятини **молиявий таъминлашга кўмаклашди** ҳамда **унинг натижаларини тижоратлаштириш** чораларини кўради;

ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиқиб, **экспортбон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни** йўлга қўяди ва уни оммалаштиради;

янги ички ва ташқи **бозорларни топиш**, халқаро стандартларга мос келувчи **лабораториялар**, уруғ-ликини **сақлаш, саралаш, қадоқлаш** ва мева-сабзавотни **қайта ишлаш ускуналарини** харид қилишга кўмаклашди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш, **миллий бренд асосида экспорт қилиш** чораларини кўради;

в) фойда солиғи бўйича жами даромадни аниқлашда тадбиркорлик субъектлари — солиқ тўловчиларнинг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда бундай тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топириш далолатномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегир ташланади.

10. Белгилансинки, 2021 йил 1 февралдан бошлаб Миллий марказ, мазкур фармонга 4-иловада қўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот муассасалари) бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади, бунда:

Миллий марказнинг бошқарув аппарати ходимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ҳамда агрохизматлар марказлари ходимларига вазирлиқнинг ҳудудий бўлинмалари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари мос равишда қўлланилади;

Илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим машоарига тенглаштирилади;

Миллий марказ, илмий-тадқиқот муассасаларининг бошқа харажатларини молиялаштириш уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган маблағлар, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомиёлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларига бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланадиган маблағларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин, бунда ушбу ташкилотлар:

бюджетдан ташқари ма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиш 1-бетда

4. Белгилансинки:

а) Миллий марказга қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори раҳбарлик қилади;

б) Миллий марказнинг қўшимча **11 нафар** ҳамда ҳудудий агрохизматлар марказларининг қўшимча **119 нафар** бошқарув ходимлари штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади;

в) Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини жорий этиш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади ҳамда юридик шахс мақомига, ўз балансига, Ўзбекистон Республикаси Ҳазначилигида шахсий газна ҳисобварақларига, Давлат герби тасвирланган муҳрига эга бўлади;

г) Миллий марказ Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Агроинновация” давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ғуза урунчилиги маркази” давлат муассасасининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

д) Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш станциялари юридик шахс мақомига эга давлат муассасалари бўлиб:

Жанурий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг;

Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти “Узагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ҳузуридаги “Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамиятининг;

Дон ва шולי илмий-ишлаб чиқариш бирлашмиси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳамда Шолчилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

е) ҳудудий агрохизматлар марказлари биносига жойлаштирилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳудудий бўлиналмаларининг мутахассислари фаолияти ҳудудий агрохизматлар марказлари томонидан мувофиқлаштирилади;

ж) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари, муассасалари, илмий-тажриба станциялари ва участкалари (кейинги ўринларда – илмий-тадқиқот муассасалари), олий таълим муассасалари ҳамда Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари:

ер участкаларини мақбуллаштириш, олиб қўйиш ва уларнинг ихтисослашувига мос бўлмаган экинларни жойлаштиришга; илмий ходимларини уларнинг фаолиятига хос бўлмаган бошқа ишларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) “Узагрокимёҳимоя” АЖ устав капиталидаги давлат улуши Миллий марказ тизимига ўтказилаётган “Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти” масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги “Узагрокимёҳимоя” АЖ улушининг баланс қиймати ҳисобига қамайтирилишини таъминласин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) ҳудудий агрохизматлар марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, уларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маоши ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда ағросаноат соҳасига хизмат кўрсатувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлиналмалари мутахассислари жалб этилади;

б) фан ва таълимнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

тажриба-синов тарихида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишли таълим йўналиши бўйича илмий-тадқиқот институтлари директорларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари ҳисобланади;

олий таълим муассасалари кафедра мудирларига ҳамда илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновацион ишланмалар бўйича ўринбосарига таълим жараёнини илм-фан билан интеграция қилган ҳолда ташкил этиш вазифаси юклатилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта мuddатда мазкур бандга асосан тажриба-синов ўтказилмадиган олий таълим муассасалари кафедралари ва илмий-тадқиқот институтларини аниқласин ҳамда 2021 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижалари юзасидан аниқ тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қуйидагилар Миллий марказ ва ҳудудий агрохизматлар марказлари фаолиятини молилаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

белгиланган тартибда жалб этиладиган бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинмадиган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий марказ ва ҳудудий бўлиналмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаб харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоровий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга ажратилмадиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетни параметрларига назарда тутилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар:

ҳудудий агрохизматлар марказларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида хусусий секторнинг иштирокини;

ҳудудий агрохизматлар марказларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ойлик маош ва устамаларни сақлаб қолган ҳолда тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, хизмат кўрсатувчи банк, сугурта ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлиналмалари мутахассислари жалб этилишини;

хусусий мулкчилик асосида юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д.А.Хидоятов) белгиланган тартибда қуйидагиларни:

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг А.Яссавий маҳалласи ҳудудида жойлашган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Агроинновация” давлат унитар корхонасига тегишли барча мол-мулкларни оператив бошқарув ҳуқуқи билан ҳамда 10,7 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Миллий марказга;

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг А.Яссавий маҳалласи ҳудудида

жойлашган Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ғуза урунчилиги маркази” давлат муассасасига тегишли бичони оператив бошқарув ҳуқуқи билан Миллий марказга ва 57,4 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Миллий марказнинг Тошкент вилояти агрохизматлар марказига ўтказиб берсин.

10. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур қарорга мувофиқ қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг моддий-техник базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлаш тадбирлари ташкил қилинишини;

қайта ташкил этилаётган муассасаларини, уларнинг ҳудудий бўлиналмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни;

қайта ташкил этилаётган муассасаларнинг штат бирликларини таҳлил қилган ҳолда иш ҳажмидан келиб чиқиб, қайта тақсимланишини ҳамда уларни шаффоф тарзда ўтказиладиган танловлар асосида юқори малакали, замонавий билимга ва дунёқарашга эга кадрлар билан тўлдиришни таъминласин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

2021 йил 1 апрелга қадар Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида Республика агрохизматлар, ахборот маслаҳат (extension) марказини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2021 йил май ойидан бошлаб ҳудудий агрохизматлар марказларини босқичма-босқич ташкил этсин;

икки ҳафта мuddатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими негизига **6 та штат бирлигидан** иборат Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш бошқармасини ташкил этсин. Бунда, қўшимча **3 та штат бирлиги** вазирлик тизимидаги мавжуд бошқарув ходимлари штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

бир ой мuddатда Миллий марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан унинг тизимидаги илмий муассасаларда ташкил этиладиган бирламчи лабораториялар, уруғлиқни сақлаш, қуритиш омборхоналарини барпо этиш, уларни қадқоқлаш ва

қайта ишлаш ускуналари билан жиҳозлашга “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

икки ой мuddатда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Пиллачилик ва қоракўнчилиқни ривожлантириш қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Миллий марказ ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тузилмаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой мuddатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий агрохизматлар марказлари тўғрисидаги низоомларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой мuddатда Инновацион ривожланиш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари ва оригинаторларини рағбатлантириш, уруғчилик ва кўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш, уруғлик ва кўчатларни сертификатлаш тизимини жорий этиш механизмини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

2022 йил якунига қадар Нидерландиянинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Бангор ва бошқа хорижий етакчи илмий марказлар билан маслаҳатлар ўтказган ҳолда Миллий марказнинг юқори технологиялар асосидаги кўп тармоқли **Илмий-тадқиқот марказини** ташкил этсин. Бунда, Илмий-тадқиқот марказида замонавий юқори технологияли лаборатория, йўналишлар бўйича кўргазма майдончалари, ўсимликларни флораси миллий генбанкни, илмий стратегик таҳлил маркази ташкил этилади ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича халқаро маслаҳатчилар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили” давлат дастури ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Юртимизда жамиятдаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш, шу асосда давлат дастури қабул қилиниб, барча соҳа ва тармоқларни замон талаби асосида тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг натижасида сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимизнинг тараққиёти йил сайин юксалиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораётди. Президентимизнинг кўни кеча қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони бу борадаги саяё-ҳаракатларни илчил давом эттиришда яна бир муҳим дастуруламал ҳужжат бўлди.

Айтиш кераки, мазкур фармоннинг қабул қилиниши жараёнида бутун халқимиз, кенг жамоатчилик фаол иштирок этди. Фармон лойиҳаси бир қатор сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Мутахассисларнинг қайд этишича, Президент ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишининг янги тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид масалаларда аҳоли томонидан энг кўп фикр-мулоҳаза билдирилган.

Ижтимоий соҳада эса мингдан ортиқ тақлиф тушган. Аҳоли томонидан билдирилган ана шундай тақлиф ва мулоҳазалар асосида фармон лойиҳасига элликдан ортиқ концептуал, юздан ортиқ аниқлаштирувчи-таҳририй ўзгартириш ва қўшимча киритилган.

Давлат дастурида акс этган чора-тадбирларнинг аксарияти аҳоли билан мулоқотлар жараёнида аниқланган. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган муҳим

вазифалар ечимига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат дастури 274 банддан иборат. Унда режалаштирилаётган тадбирларни молилаштириш учун жами 29 492,7 миллиард сўм, 2 600,4 миллион АҚШ доллари, 57,5 миллион евро миқдорига маблағ кўзда тутилмоқда.

Хусусан, давлат дастурида давлат ва жамият қурлиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган қўллаб-қувватлаш жорий этилти.

Ана шундай янгиликлардан бири иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Фармонга мувофиқ, ўтган йили коронавирус пандемияси туфайли тадбиркорларга берилган бир қатор имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 2021 йил 31 декабргача узайтирилди. Бунинг натижасида биригина мол-мулк ва ер солиғи бўйича пенялар ҳисоблангани ва солиқ қарзи мажбурий ундирилишини тўхтатиб туриш ҳисобига жорий йилда 2718 та тадбиркорлик субъектига 80 миллиард сўмлик имтиёз берилди.

Давлат дастурида ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазига муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сонини 25-фоииз ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сонини 2 баравар оширилшини муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали ўқиш,

илм олишга иштиёқманд, лекин оилавий шароитидаги қийинчиликлар сабабли олий таълим ололмаётган қанчадан-қанча ёшларнинг кўнгли кўтарилди, уларнинг ҳаётга қарашини ўзгарди, келажакка ишончини мустақкамлади.

— Дунёда ҳеч бир давлат йўқки, аҳолининг муайян қисми қамбағаллиги, жамиятда фаол эмаслиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаган бўлса, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари **Улугбек Иноятов**. — Мамлакатимиздаги тарихий-иқтимоий шароитда қамбағаллик муаммосига турли сабаблар таъсирини ўтказиб келган. Ҳақиқат шуки, халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайди, дарнасалик қилиб, ҳаётини яхшилаш масаласига бефарқ қарамайди. Фақат баъзи юрдошларимизга илм, ҳунар ва кўникма, маблағ масалаларида озгина кўмак, мадад зарур. Давлат дастурига кўра, жорий йилда давлатимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим даври бошланганти. Турли синовларга бой бўлган ўтган йилдаги ислохотларга узвий равишда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

Жумладан, иқтисодиётни ривожлантириш, қамбағаллиқни қисқартириш ва узоқ мuddатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилди. Бу иш бошлаш ниятида юрган, бунёдкор гоёларга эга, лекин маблағ масаласида қийинчиликка дуч келган юрдошларимизга кўмак бўлади. Минглаб ватандошларимизнинг ўз ҳаётини ўзгартириш, ўсиш йўлига қикиб олиш имкониятлари ошади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Пенсия жамғармаси тизимида 3,3 миллион нафардан кўпроқ пенсияонер ва нафақа олувчи бўлиб, юртимиз аҳолисининг ўртача 10 фоизини ташкил этади. Давлат дастурида аҳолининг ушбу қатлами учун

ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда. Яъни жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажини тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади.

— Шунингдек, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловларни ундириш бекор қилинади, — дейди Пенсия жамғармаси ижрочни директори ўринбосари **Шухрат Давронов**. — Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш уртоклари келгусида пенсия таъминотида эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишга кўра рўйхатда олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади.

Таъкидлаш жоиз, фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойида Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Энг асосийси, пенсия ва нафақалар тўғрисидаги ҳақда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда. Дастурда

белгиланган бу каби қулайликлар аҳолини ортиқча сарсон бўлишининг олдини олишга, давлатдан розилик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Мазкур фармон билан инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурматни шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар ва индекслардаги мавқеини яхшилашга хизмат қиладиган инсонпарварлик тамойили жорий қилинмоқда. Жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазонини ўташ муассасаларига мониторинг ташрифлари тизимини йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан жазонини енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани киритиш ваколати янги ташкил этилаётган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, 2021 йилда 6 тагача манзил-колониянинг қисқартирилиши ҳам айнан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чора-тадбирлар тизими яратилди. Бу борадаги саяё-ҳаракатлар қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмининг ва тартиби самарадорлигини ошириш йўналишида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади.

— Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги миллий превентив механизм доирасида фаолият юртувчи эксперт гуруҳи томонидан 2019 йилдан буюн мониторинглар ўтказиб келинмоқда, — дейди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибияти мудири **Сайдобек Азимов**. — Бу орқали жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилмоқда. Ўтган йили Омбудсман бошчилигида жазонини ижро этиш муассасалари, маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш учун мулкланганлар махсус қабулхоналар, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш марказлари, карантин мажмуаси ва коронавирус билан касалланганларни даволашга ихтисослашган марказлар ва бошқа муассасаларга етмишдан кўпроқ мониторинг ташрифи уюштирилди. Бу жараёнда жазонини ижро этиш муассасаларида сақланаётган тўрт минг нафардан ортиқ шахс билан жамоавий, 578 нафар шахс билан индивидуал учрашувлар ўтказилди. Эндиликда давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар янада кенгайди. Бу чора-тадбирлар, аввало, инсон ҳуқуқларини мустақкамлаш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айтиш кераки, давлат дастурида юрт тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровон турмуш кечириши, ёшларимиз ўз иштишларини тўла рўёбга чиқариши, ҳар бир инсон жамиятдаги ислохотларда фаол иштирок этиши учун кенг қўламли лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш кўзда тутилган. Бу чора-тадбирлар жамиятимиздаги демократик ислохотларни жадаллаштириш, эртанги тараққиётимизга дахлдор барча юмушларни халқимиз билан бамаслаҳат ҳал қилиш, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон ашайлик”, деган эзгу гоани тўла рўёбга чиқаришда муҳим асос бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИНТЕРВЬЮ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар суръати, аҳоли ҳаёти ҳамда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига таширф бўурди.

Сафар давомида давлатимиз раҳбари вилоятнинг Олтиарик, Риштон, Фарғона туманлари ҳамда Фарғона шахрида бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги, хўнармандчилик, тўқимачилик, чарм-пойабзал тармоқларидаги корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари вилоятни янада ривожлантириш юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқлар берди. Юртдошларимиз билан дилдан, самимий суҳбатлашди.

КУН САЙИН ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАН ФАРҒОНА

Мақсуд РЎЗМЕТОВ, қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари:

— Таширф давомида давлатимиз раҳбари қир-адирлардаги майдонларни ўзлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берди. Ерларда водий заминига мос, тупроқ-иклим шароитига мувофиқ келадиган боғлар, узумзорлар барпо этиш, дуққаки, мойли, полиз экинларини қўшимча етиштириш бўйича режалар ҳам белгилаб олинди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 350 миллиард сўм талаб этилади. Бу маблағни тадбиркорларнинг шахсий сармояси ҳамда давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига шакллантириш режалаштирилган.

Ўттиз уч минг гектар ерни ўзлаштириш учун саксон беш километр узунликда арик-канал, беш юздан ортиқ сугориш қудуқларини қазिश, бир юз йигирма беш километр масофага электр тармоқларини тортиш зарур. Мазкур ер майдонини ўзлаштиришга вилоятдаги икки минг икки юздан зиёд тадбиркор жалб этилади.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон “Хўнарманд” уюшмаси раиси:

— Мамлакатимизда хўнармандликнинг уч-тўртта йўналишига бир неча бор имтиёз ва преференциялар берилиши ҳисобига айни пайтда Ўзбекистон бўйлаб хўнарманлар сони қарийб тўрт ярим баравар ошди. Биргина Фарғона вилоятида ўттиз мингдан зиёд хўнарманд фаолият юрляпти.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан “Аёллар дафтари”, “Ешлар

Бу сай-ҳаракатлар рўёбга чиқиши натижасида вилоятда 45 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Шу пайтгача тадбиркорларнинг шахсий сармояси ҳамда давлат ажратадиган субсидия ва кредитлар ҳисобидан ҳам катта майдонлар ўзлаштирилган. Жўмладан, Қўва туманидаги “Ашуров” фермер ҳўжалиги ўтган йилнинг ўзида 1,5 миллиард сўм субсидия ва кредит маблағлари эвазига эллик гектар майдонда гилосзор, анорзор ташкил этган. Боғларни томчилатиб сугориш тизимини жорий қилиш. Боғ қатор орасига маккажўхори экиб, уч юз тонна дон ҳамда минг тоннага яқин қўж масса олган. Фермер биргина қатор ораларида етиштирилган экнингнинг ўзидан 1,5 миллиард сўм даромад қилган ҳамда бир йилнинг ичида давлат томонидан берилган маблағларни қайтарган. Фермер ҳўжалиги бу йил саксон гектар майдонни худди шу тартибда ўз маблағи ҳисобидан ўзлаштириш кўзда тутилган.

дафтари” ва “Темир дафтар”га кирган 7,5 мингдан ортиқ ишсиз фуқарони устоз-шогирдлик аънаъаси асосида Фарғона вилоятида ўқитиш ва бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз. Бугунги кунда республикаимизда маҳалла ҳисомида 62 фойз хўнарманд фаолият юрляётган бўлса, йил якунлари бўйича бу кўрсаткични 75 фойзга етказиш ниятимиз бор.



Умарали ҚАМБАРОВ: “Vodi Shoes” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона директори:

— Биз эгаллаб турган ҳудуд паст рентабелли ер бўлганлиги сабабли, таъсисчимиз шу ерда пойабзал ишлаб чиқарадиган фабрика очсак, деган фикрни билдирди. Бу, табиийки, кўпчилиқда қизиқиш уйғотди. Чўнки мамлакатимизда пойабзалга катта эҳтиёж бор. Фабрикамиз бугунги кунда Ўзбекистон миқёсида энг катта корхона ҳисобланади. Умумий қиймати 8 ярим миллион еврони ташкил этади. Унинг қарийб 7 миллионига Италия, Чехия ва Германиядан замонавий технологиялар олиб келинган.

Айни пайтда бир сменада 500 нафарга яқин ишчи ишлайди. Уларнинг қарийб 70 фойзини ёшлар ташкил қилади.

Мутахассисларимиз Туркия ва Германияда тажриба алмашиб келишган. Усталаримизнинг асосий қисми ён-атрофимиздаги қишлоқлар аҳолиси, хотин-қизлардан иборат. Айни пайтда бир сменада 700 жуфт пойабзал ишлаб чиқаряпмиз. Бугунги кунда маҳсулотларимизни асосан Қўзғистон, Афғонистон, Дубай ва Тожикистонга экспорт қияпмиз.



Абурахмон НИЁЗОВ, “Fergana stone paper” корхонаси раҳбари, тадбиркор:

— Тошқоғоз, яъни тошдан қоғоз тайёрлаш мумкинлиги ҳақида тасодифан эшитиб қолдим ва у менда катта қизиқиш ҳамда ҳайрат уйғотди. Кейин шу ишнинг орқасидан тушдим. Эронга, Хитойга бордим. Натижада хитойликларни қўшма корхона қилиб ишлашга кўндирдим. Тошқоғоз учун асосан ўзимизда чиқадиган оҳақтош уни ва полимер керак бўлади. Иккаласи махсус технология ёрдамида қўшилиб, аралаштирилиб гранула ҳосил қилинади. Бугунги кунда ана шу грануладан юмшоқ, оппоқ ва енгил қоғоз тайёрляпмиз. У намлиқ ва қўёш нурига ҳам чидамли.

Тошқоғоз тайёрлашда энг замонавий

технологиялардан фойдаланяпмиз. Иш, асосан, компьютерлар ёрдамида бажарилади: инсон омилли кам ишлатилади. Ана шу қоғозимизни ўзимизнинг Фарғонадаги босмахонага бердик. Улар журналларни ана шу қоғозга чиройли қилиб босишмоқда. Бизга қўшни мамлакатларда бундай қоғоз ишлаб чиқарилмайди. Россия, Исроил, Польша давлатлари ҳам қизиқиш билдирляпти. Энг қўнчончиси, Ўзбекистон энди қоғоз импорт қилувчи мамлакатдан қоғоз экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Қўлаверса, келажакда мамлакатимизнинг қоғозга бўлган эҳтиёжини ҳам тўлиқ қондириш ниятидамиз.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ

пандемиядан кейинги даврдаги мамлакатимиз тараққиёти истиқболлини белгилайди



Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, пандемиядан кейинги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси бутунлай бошқача тус олади. Бу, ўз навбатида, хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашни тақозо этади.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдоридан зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган. Жаҳон банки экспертларининг фикрича, 2021 йилнинг охирига қадар дунё иқтисодиёти 7 триллион АКШ долларига пасайиши тахмин қилинмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “COVID-19 Марказий Осиё давлатларининг инқирозга жавоби” номли 2020 йил ноябрь ойида эълон қилинган ҳисоботида минтақа давлатлари орасида Ўзбекистон инқирозга қарши кене қўллами ва самарали жавоб чораларини қўра олган саноқли давлатлардан бири сифатида эътироф этилди.

Пандемиядан кейинги ҳаёт қандай манзара касб этиши хусусида халқаро ва маҳаллий таҳлилчилар томонидан қўллаб-қўлланган фикрлар билдириляпти, баъоратлар қилиняпти. Гулистон давлат университетини катта ўқувчиси, эксперт Акмал АБДУВҲОДИВ билан суҳбатимиз сўнаги пайтда елоаб иқтисодиётда рўй берган чуқур таназзулдан кейин қандай ҳолатлар кузатиляётгани ҳақидаги саволга жавобдан бошланди.

— COVID-19 оқибатида соғлиқни сақлаш тизими ва иқтисодиётда рўй берган оғир даврдан сўн глобал иқтисодиёт аста-секинлик билан бўлса-да, ўнглана бори-ти, тикланиш йўлига ўтмоқда, — дейди Акмал Абдувҳодидов. — Бу жараёнда мамлакатлар, оилалар ва корхоналар ўзгариб бораётган ландшафтга мослашишлари зарур бўлади. Пандемиядан сўнғ аҳолининг муҳтож каттамини ҳимоя қилиш, капитал, ишчи кучи, қўнқма ва инновацияларга янги мақсадлар сари интилиш имконини берувчи муваффақиятли сиёсат талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган давлатларда инвестицияларни жалб қилиш сўнгги ўн йилликда бирмунча жонланган бўлса-да, пандемия тўғрйли улар иқтисодиётига қийлаётган сармоёлар миқдори кескин тушиб кетди. Рақамли технологияларни жорий қилиш қўлламининг ошиши ҳисобига 2021 йилда инвестициялар соҳасида ўсиш кутияпти. Лекин бу ўсиш 2020 йил давомида кузатилган кескин пасайиш ўрнини қоплаш имконини бермаслиги мумкин.

Ақсинча, юртимизда пандемия шароитида ҳам инвестициялар жалб этишининг айрим йўналишлари бўйича ўсиш кузатилганлиги мамнун этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда асосий воситаларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фойзини ёки 6,6 миллиард долларни ташкил этди. Инвестиция дастури доирасида 197 лойиҳа амалга оширилди ва шунинг ҳисобига 38 минг иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ҳудудий инвестиция дастурулари доирасида жами 59,1 триллион сўмлик 10 586 лойиҳа амалга оширилди ва бу 131,5 мингта янги иш ўрни яратилишига имкон берди. 2021 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий ҳажмини 7,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланаётгани ўсиш суръатлари барқарорлик касб этаётганидан далолат беради.

Пандемия даврида қўллаб-мамлкатлар ҳукумати ликвидлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида регулятив чеклаш, тўловларга мораторийлар эълон қилиш, кредитларни қафолатлаш орқали корхона-ташкilotларни кредитлашнинг кенг қўламда рағбатлантирди. Соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳасидаги

инқирознинг сўсайиши асносида активлар сифати шаффофлигини таъминлаш ва банклар капитализациясига зиён етказмаслик мақсадида ушбу сиёсатни муайян вақт оралиғида қайта қўриб қилиш талаб этилади. Мавжуд ишлаб чиқариш активларига янги инвестицияларни киритиш барқарор ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Давлатлар инқироздан қичиш, иқтисодиётни тиклаш сиёсатини шакллантириш ва уни ҳаётга ижизл жорий этиш асносида тараққиётнинг оқилона ҳамда адолатли ривожланиш йўлидан жадвал ривожланиш имкониятини қўлга киритади. Бугунги пандемия инқирозга берилган жавоб узок йиллар давомида нафақат мамлакат, балки жаҳон иқтисодиётининг барқарор келажактини шакллантиришга хизмат қилади.

— Жаҳон Банкининг “Жаҳон иқтисодиётининг истиқболлари” ҳисоботида Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича таҳлил ва ҳулосалар мамлакатлар ҳукуматларининг инқироз оқибатларини юмшатиш, вазиятни барқарорлаштириш босисида кескин чоралар қўришга мажбур қийлаётганлиги таъкидланади. Шунга қарамай, минтақанинг ялли ички маҳсулоти ўтган йили 2,9 фойзга кискарди. Баъоратларга кўра, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти 2021 йилда ўртача 3,3 фойзга ўсади. Бунга қандай омиллар асосий дастак бўлиши кутияпти?

— Иқтисодий ўсишнинг ўзи беришига оммавий эмлаш, оғир саноат учун хомашё нархларининг кўтарилиши ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг давом эттирилиши ижобий таъсир кўрсатиши кутияпти.

Таҳлиллар пандемия бизнес ва ҳукумати ўзаро яқинлаштирувчи катализатор сифатида майдонга чиққанлигини намоён этапти. Эпидемиологик офатлар шароитида ички устувор йўналишлар билан бир қаторда, глобал стратегиялар ишлаб чиқилади, Шу йўсида тадбиркорлик субъектлари турли фавақулда шароитларга жавоб чораларини қўриш бўйича ўзининг амалий тадбирларини таклиф этади. Бунинг натижасида бозорнинг легаллашуви янада ошади. IT тизимлари орқали миқозлар ва ҳамкорлар билан ишлашда маълумотларнинг ошкоралик тавсифига эга бўлиб бориши асносида бир кунлик фирмалар ўтимишга айланади ва йирик компаниялар миқозлар ишончини қозониш учун ҳаракат қилади. Мутахассислар мазкур ҳолатда



уларнинг қўшилиши ва сотиб олишнинг янги тўққинини келтириб чиқарилиши тахмин қилмоқда. Бундан ташқари, компанияларда ижтимоий сиёсатнинг ўрни янада ошади. Бозорнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улар ҳайрия, экология, тенглик ва оилавий кадриятларга катта эътибор қаратади.

Пандемия масофавий фаолиятини олиб боришнинг самарали эканлигини кўрсатди, иш бевувишлар ҳам масофадан туриб ишлашнинг афзаллиғига эътибор қаратмоқда. Ушбу менежмент оқисларни сақлаб туриш, бизнес бўйича хизмат сафарлари харажатларини қисқартириш имконини беради. Ғарб иқтисодий мактаблари gig-иқтисодиётнинг (қисқа муддатли контрактлар ва фрилансерлар) кундалик амалиётга кириб келаятгани, унинг ҳажми 2050 йилга бориб, банд аҳолининг 83 фойзини қамраб олишини тахмин қияпти.

Бугунги кунда ишчи ўринларини янги-ча шароитларга мослаштириш босисида жадвал хатти-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида модем, роутер ва компьютер техникаларига талабнинг ошиши кузатилмоқда.

Рақамлаштириш тобора глобал аҳамият касб этапти. Бу компаниялар веб-маҳсулотларни яратишга, виртуал маконда миқозлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишларини талаб этади. Бинобарин, IT-технологиялари тиббиёт соҳасида ҳам кенг қўллаанила бошлайди. Яқин келажакда интернет орқали беморларга маслаҳат кўрсатиш, мобил клиникалар ва лабораториялар, телемедицинага талаб ўсиб боради.

Кейинги пайтда коронавирусга қарши курашиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида амалиёт ва тажрибанинг яхшиланиб бориши, вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича қўриляётган чораларга инсонларнинг мослашиши пандемия шароитида эҳтиёткорлик билан ва босқичма-босқич иқтисодий фаоллиқни тиклаш ва халқаро чегараларни очига имконият яратяпти.

Халқаро молиявий институтларнинг, жўмладан, Жаҳон банки Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда 4,3, Халқаро валютта жағмармаси эса 5 фойзга ўсишини прогноз қилмоқда.

Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш

кўрсаткичи 3 фойз атрофида бўлиши тахмин қилиняпти. Бунга хомашё нархларининг ўнча катта бўлмаган ўсиши, “Бир макон — бир йўл” лойиҳаси асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг сезиларли даражада юқорилаши асосий омил сифатида қаралмоқда.

— Коронавирусга қарши кураш бўйича жаҳонда ва мамлакатимизда орттирилган тажриба 2021 йилда ҳам унинг давом этиши эҳтимоли юқорилашиб боришини кўрсатмоқда. Бундай шароитда қандай йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш кутилган самаралар беради?

— Коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган глобал иқтисодий инқирозга дуч келган дунё мамлакатлари унинг оқибатларини юмшатиш ва тезроқ инқироздан қичиш босисида барча усул ва воситаларни ишга солмоқда. Ўзбекистонда ҳам пандемияга қарши курашиш, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган кенг қамровли молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу борада амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг устувор йўналишлари аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Бу ишлар учун 2021 йил давлат бюджетида 3

триллион сўм захира шакллантирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Айни кезде бу юмушларни режалаштиришда ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатиляётган “пандемиянинг навбатдаги тўққини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳам ҳисобга олингани унинг янада амалийлиги ва натижадорлигини таъмин этади.

Аммо инқирознинг чуқурлиги ва жиддийлиги иқтисодиётнинг тезда ва оғриқларсиз тикланишини ваъда қилмайди. БМТ Бош қотибининг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича ёрдамчиси ва ташкилотнинг бош иқтисодчиси Эллиот Харриснинг таъкидлашича, “Инқироздан кейинги тикланиш суръати ва ҳажми нафақат вируснинг тарқалишини олдини олувчи соғлиқни сақлаш тизими чора-тадбирларининг самарадорлиғига, балки мамлакатларнинг иш ўринларини сақлаб қолиш, жамиятнинг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш босисиди имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир”.

Мамлакатимизда бу борада яхши тажриба юзага келяпти. Камбағалликдан қичиб кетиш учун энг муҳим омил сифатида бу инсоннинг интилиши, ўз қучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши учун шарт-шароит яратилишга эътибор қаратилмоқда. Мурожаатномада таъкидланганидек, шу мақсадда жорий йилда маҳаллаларда аҳолини касб-хўнарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-хўнарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилади, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади.

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка қўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жағғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслик учун шарт-шароит бошлаб янгича тизим жорий этиляпти. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади.

Тадбиркорлиқни молиявий қўллаб-қувватлаш босисиди ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳўкумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорлиқни ривожлантириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, янгидан-янги иш ўринлари дегани.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос иммунитетини шакллантиришга ҳаракат қилиняпти. Иқтисодий иммунитет, бу — алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг реал воқелиқда фавақулда ўзи бериши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-экологик каби хавф-хатарларга қарши кураша билиш, уларнинг иқтисодиётга салбий таъсири тезда бартараф этган ҳолда, барқарор ривожланишни таъмин эта олиш қобилияти.

Бу ҳақда сўз борар экан, албатта, барқарор ривожланиш хусусида фикр юритиш ўринли бўлади. Зеро, ҳозирги коронавирус инқирози шароитида дунё мамлакатлари қатор ҳужжатлар ва махсус дастурлар қабул қилиб, ўзларининг барча сай-ҳаракатларини мазкур йўналишга сафарбар этапти.

Барқарор ривожланишни таъминлаш учун ўз асосий ташкил этувчи — иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўзаро уйғунлиқда ҳал этиш зарур бўлади. Мазкур компонентлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, алоҳида инсонлар ва яхлит ҳолда жамият фаровонлигини таъмин этишда фавақулда муҳим саналади. Унинг яна бир зарурий талаби — қашшоқлик ва барча қўринишларига барҳам бериш ҳисобланади. Бунинг учун барчага бирдек қўшимча имкониятларни тақдим этиш, аҳоли дарамадлари даражаси ўртасидаги тенгсизлиқни қамайтириш, ижтимоий тараққиёт ва интеграциялашувга қўмаклашиш, аҳолининг базавий турмуш даражасини ошириш, табиий ресурслар ва экотиимлардан барқарор фойдаланиш ва уларни оқилона ўзлаштириш имконини берувчи кенг қамровли ва барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш талаб этилади.

Шу боис ҳам мамлакатимизда жорий йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратияпти. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Бу ўсиш камида беш фойз бўлиши кутияпти. 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектларининг ишга туширилиши ва экспортнинг 20 фойзга ошиши мазкур пировард мақсаднинг натижадорлигини таъминлайди, барқарор иқтисодиёт пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

БУГУННИНГ ГАПИ



Замонавий ривожланиш тенденциялари янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Шу боис, барча соҳага инновацион ғоялар жорий этиляпти. Улардан бири давлат-хусусий шериклик тизимидир. Бу мамлакатга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали йўлларидан бири бўлиб қолди. Халқаро тажриба мазкур йўналиш узоқ муддатли, самарали ва икки томон учун ҳам фойдали эканини кўрсатмоқда. Бундай механизм, асосан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида, йўл қурилиши, электр таъминоти, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳаларни рўёбга чиқаришда кенг қўлланилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу тизим яхши ривожланмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 20 октябрдаги қарори билан Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. 2019 йил 10 май куни эса “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан агентлик давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белеланди. Шунингдек, қонун билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси, уни амалга ошириш талаблари, муддатлари, томонларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби кўплаб жиҳатлар белгилаб берилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш агентлиги директори Ғолиб ХОЛЖИГИТОВ билан суҳбатлашдик.

— Айтингчи, ҳозирги кунда давлат-хусусий шерикликда асосий эътибор қайси соҳаларга қаратилмоқда?

ЯНГИ ТИЗИМ

МАДАД: БЕПУЛ, БЕМИННАТ ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ



Тўлқин ТУРСУНОВ,
“Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида, қолаверса, демократик ҳуқуқий жамият қурилиши ва ривожланишида аҳоли ҳуқуқий оғни ва маданиятини юксалтиришнинг аниқ тизим ҳамда шаклларида самарали фойдаланиш муҳим аҳамияти касб этади. Чунки ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қиладиган бўлсак, ҳар қандай жамиятда, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлиги даражасини юксалтирмасдан, уларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминламасдан туриб, ҳуқуқий жамиятни ривожлантириб бўлмайд.

— Ўтган қисқа вақтда амалга оширилган ишларга назар ташласак, Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш агентлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда қиймати 5,8 миллиард АҚШ долларидан зиёда 80 дан ортиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш ишларини олиб борди. Улардан 11 таси энергетика, 6 таси транспорт, 7 таси сув ҳўжалиги, 16 таси экология, 19 таси соғлиқни сақлаш ва 24 таси таълим соҳаларига тўғри келади.

Биргина, соғлиқни сақлаш соҳасида айни пайтда 11 та лойиҳа бўйича битимлар тузилди. Жумладан, Тошкент шаҳри, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 минг 100 нафар бемор учун гемодиализ марказлари қуриш лойиҳаси бўйича тендер савдоларининг иккинчи босқичи якунланди. Тендерда Ҳиндистоннинг “Nephro Plus” компанияси ғолиб бўлди. Лойиҳанинг умумий қиймати 9,7 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур лойиҳа Жаҳон банки тариқибига киради. Халқаро молия корпорацияси кўмакда бажариляпти.

— Бугун аҳолида электр таъминоти борасида қатор эътирозлар бор. Бу эътирозларга барҳам бериш мақсадида энергетика тизимида қандай лойиҳалар режалаштирилган?

— Ўзбекистон электр энергетикаси соҳаси учун давлат-хусусий шериклиги янги ва истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги дастлабки қадамлар шунки кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда хусусий электр станцияларини қуриш ва уларни бошқаришни хоҳлаётган етакчи халқаро компаниялар сони анча салмоқли. Улар ўзларининг лойиҳаларида бош мақсад сифатида бугунги кунда давлат электр станцияларида амал қилаётган электр энергияси тарифларига нисбатан паст тарифларни кўзда тутмоқда.

Бугунги кунда энергетика соҳасида 6 та янги электр станциясини ДХШ асосида барпо этиш ишлари бошланди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар 2,1 миллиард АҚШ доллари, маҳаллий маблағлар миқдори эса 362 миллиард сўмни ташкил этади.

Хусусан, Бирлашган Араб Амирикларининг “Masdar” компанияси билан Навоийда 100 мВт. қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси ва 500 мВт. шамол электр станциясини қуриш ва шу давлатнинг “Acwa Power” компанияси билан Сирдарёда қуввати 1 минг 500 мВт. буғ-газ электр станциясини қуриш бўйича келишувларга эришилди. Бундан ташқари, Франциянинг “Total Eren” компанияси

билан Самарқандда 100 мВт. қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси, Туркиянинг “Akça Enerji” ва “Cengiz Enerji” компаниялари билан Тошкент вилоятида қуввати 240 мВт. ва 260 мВт.га эга буғ-газ электр станцияларини қуриш ишлари бўйича битимлар имзоланди. Албатта, бу бошланган ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, хусусан, 2025 йилга қадар 25 та ҳамда 2030 йилга қадар 50 та лойиҳани ДХШ шартлари асосида амалга ошириш каби вазифалар белгиланган. Мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борада ҳозирги кунда қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида сув ҳўжалиги соҳасида 7 та ДХШ лойиҳалари бўйича битим имзоланди. Жумладан, Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ туманидаги ирригация ва мелиорация объектларидан фойдаланиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси, Сирдарё вилояти Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Сирдарё мелиоратив экспедицияси ҳузурида бетон заводи ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилиш лойиҳаси амалга оширилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси “Маданият”, Андижон вилоятидаги “Истиқлол-1К”, “Истиқлол-2К”, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги “Ўси Учқара”, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги “Ёзёвон”, Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги “Ғалаба” насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш борасида келишувларга эришилди.

— Айтиш жоизки, аҳолини яшаш шартларини яхшилаш, кўп квартиралли уйлари бошқариш, иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти борасида юртимизда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда соҳада ҳали ўз ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Шу туфайли уларни ҳал



этиш юзасидан тизимли ишларни йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

— Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлат ва хусусий секторлар ресурсларини бirlаштириш орқали уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан, ичимлик сув, канализация ва иссиқлик таъминотида мавжуд бўлган бир қатор муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин. Ушбу мамлакатларда, давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хусусий инвестицияларни жалб этиш, аҳолига тақдим этилаётган коммунал хизматлар сифатини оширишга хизмат қилад.

Албатта, мазкур соҳада ДХШ фаолиятини йўлга қўйиш кўплаб муаммоларга ечим топишда имконият яратди. Бу борада қилиниши зарур бўлган ишларимиз кўп. Қисқа даврда коммунал соҳада қатор лойиҳалар бўйича битим имзоланди. Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Янгйбозор туманларида ичимлик сув таъминотини ривожлантириш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳалари шулар жумласидандир. Ушбу 2 та лойиҳа доирасида маҳаллий инвесторлар томонидан Хоразм вилоятининг Янгйбозор туманида 5 миллиард сўм ва Янгиариқ туманида 9 миллиард 430 миллион сўм маблағлар жалб қилинган. Мазкур ДХШ лойиҳаси доирасида мазкур туманлар ҳудудидаги барча истеъмолчилар ва ичимлик сув тармоқлари қайта хатловдан ўтказилади, ичимлик суви этиб бормаган аҳоли пунктлари ва хонадонларни ичимлик сув қувурига улаш, сув ҳисоблагичларни ўрнатиш иш-



Бугунги кунда энергетика соҳасида 6 та янги электр станциясини ДХШ асосида барпо этиш ишлари бошланди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар 2,1 миллиард АҚШ доллари, маҳаллий маблағлар миқдори эса 362 миллиард сўмни ташкил этади.

лари олиб борилади. Лойиҳа доирасида 35 километрдан ортиқ янги ичимлик сув қувурлари ва канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг амалга оширилиши натижасида 7 573 та хонадонда яшовчи 37 минг 868 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Шу тариқа аҳолининг сифатли ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 44 фоиздан 80 фоизга етказилади.

Лойиҳа доирасида хусусий шерик ҳозирги кунда сув тарқатиш иншоотлардаги кўп энергия сарфловчи ва эскирган барча ускуна, жиҳоз, қувурлар ва насос агрегатларини тўлиқ алмаштиради. Юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор ва қисқа муддатда тўлиқ бартараф қилиш учун зарур бўлган замонавий махсус техника, техник асбоб-ускуналар, қувурлар ва бошқа анжомлар захираси яратилади. Умуман олганда, хусусий шерик, яъни инвестор давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги объектларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.

Коммунал соҳада яна қатор лойиҳалар бўйича ишлар олиб бориляпти ва битимлар имзоланиши кутиляпти. Буларнинг дастлабкиси Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳасидир. Мазкур лойиҳа Франциянинг “VEOLIA CENTRAL & EASTERN EUROPE” компанияси томонидан амалга оширилади. Лойиҳа қиймати 1 393,9 миллион еврони ташкил қилмоқда. Шундан 315,1 миллион евро 44 минг 700 дона

иссиқлик ўлчов ускуналари, 1 миллион 163 минг 700 дона иссиқ сув ҳисоблагичи, 391 та махсус автомашиналар, электрон тизим ва бошқа ускуналар ва операция воситаларга, 300,6 миллион евро модернизация дастурига, 747,2 миллион евро реконструкция қилиш ва қурилиш дастурига ажратиш кўзда тутилган. Талаб этиладиган жами маблағнинг 315,1 миллион евро си компаниянинг ўз маблағлари ва 1 078,8 миллион евро иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) томонидан жалб этилган хорижий инвесторлар билан биргаликда Наманган шаҳар канализация тизимини иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳаси, шаҳарда сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини ДХШ шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Қайд этиш лозимки, жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, энергетика соҳасида 6 та, коммунал соҳасида 2 та, транспорт соҳасида1 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 4 та, сув ҳўжалиги соҳасида15 та, экология соҳасида 7 та ва бошқа ижтимоий соҳаларда 5 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини якунлаш режалаштирилган.

“Янги Ўзбекистон” мухбири,
Лутфулла СУВОНОВ
суҳбатлашди.



билан ҳамкорликда порталнинг янги интерактив шакли ишлаб чиқилиб, яна бир қатор қўлайлик ва имкониятлар билан бойитилди. Жумладан, ундан фойдаланувчилар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини изоҳлар шаклида ёзиб қолдириши, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича онлайн форумда иштирок этиши, мутахассисларимиз томонидан онлайн саволларга берилган жавобларнинг сифатини баҳолаши мумкин. Бундан ташқари, порталга сайт бўйича “ақли” қидирув, долзарб янгиликлар, муассасанинг ҳудудий бюрolari тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг жойлашув харитасини аниқлаш каби янги ва интерактив вазифалар киритилган.

Республика бўйича 60 та туманда (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилди. Улар жойларда фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш, шунингдек, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини тақдим этиш ёки бундай ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда яқиндан кўмаклашиш орқали амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ҳудудий бюрolariмизга ўтган йили 74 мингдан ортиқ фуқаро бевосита мурожаат қилган ва уларга турли ҳуқуқий масалалар бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатилган.

Мамлакатимизда COVID-19 пандемияси сабабли 2020 йил март ойидан жорий қилинган карантин чекловлари муносабати билан муассаса ва ҳудудий бюрolariмиз ходимлари ҳам масофавий иш усулига ўтказилди. Ушбу даврда фуқаролардан муассаса ва ҳудудий бюрolariмизга айнан пандемия билан боғлиқ 4 мингга яқин мурожаат келиб тушди ҳамда

уларга масофадан туриб зарур ҳуқуқий маслаҳатлар, тушунтиришлар берилди.

Ўтган давр мобайнида муассасамиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига “жамоавий мурожаат” тушуначасини киритиш, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган субъектлар доирасини кенгайтириш, Меҳнат кодексига ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва турмуқ учун нафақа пуллари иш берувчи томонидан ҳодимнинг биринчи иш ҳақиға қўшиб берилиши шартлигини белгилаш, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тасдиқлаган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланган нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш муддатини узайтириш каби долзарб масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, мутасадди вазирлик ҳамда идораларга юборилди.

Муассасамиз фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш, аҳолиға бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат органлари, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлиқни йўлга қўйиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Тошкент давлат юридик университети, Нотариал палатаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув битимлари имзоланиб, бу ҳужжатлар доирасида бир қатор самарали ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги билан аҳолиға бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий оғни ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда инновацион усуллар, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини татбиқ этиш мақсадида грант шартномалари имзоланган.

Адлия ва суд органлари билан ҳамкорликда тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйиш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан холи ҳудудни яратиш бўйича тасдиқланган “Йул хиратаси”га мувофиқ, 2020 йилнинг октябрь ойида муассасамиз томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси билан ҳамкорликда суд биланларда “Халққа бепул

ҳуқуқий ёрдам” хоналари, интернет тармоғида эса “Халққа бепул ҳуқуқий ёрдам” телеграм канали ташкил этилди. Утган йилнинг охириг икки ойи давомида бундай хоналар орқали 200 дан ортиқ фуқароға бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган, телеграм канали орқали келиб тушган 1000 дан ортиқ мурожаатға мутахассисларимиз томонидан жавоблар юборилгани бу ташаббуснинг самарадорлигидан далолат бериб турибди.

Бундан ташқари, ўтган йили ҳудудий бюрolariмиз ходимлари томонидан адлия органлари билан ҳамкорликда “Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шiori остида аҳолининг турли тоифалари, хусусан, аёллар ва ёшларнинг кундалик ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, яқиндан амалий ёрдам кўрсатилди.


Муассасамиз томонидан 2021 йил ва келгуси йилларда фаолиятимизни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар режалаштирилган. Жойларда фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш кўламини кенгайтириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий оғни ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида республикамизнинг барча туман, шаҳарларида босқичма-босқич равишда ҳуқуқий маслаҳат бюрolariни ташкил этиш асосий вазифалар сирасига қиради.

Маълумки, бугунги кунда муассасамиз фуқароларға ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериб келмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш таҳлили ва амалиёти шунки кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда мурожаатчиларға нафақат ҳуқуқий маслаҳатлар, тушунтиришлар бериш билан чекланиш, балки уларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ёки тиклашда кўмаклашиш учун суд ҳамда бошқа давлат органларида вакил сифатида иштирок этиш зарурати юзага келмоқда.

Шу муносабат билан келгусида амалдаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, муассаса ва унинг жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюрolariға, фуқароларға нафақат бирламчи, қолаверса, иккиламчи бепул юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш ваколати берилса, фуқароларнинг, айнқиса, аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламлари қонуний манфаатларини тўлақонли ва бегараз ҳимоя қилиш учун имконият яратилган бўлар эди.



АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА



УЛУҒ ШОИРДАН ЎЛМАС ЎГИТЛАР



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети ректори, профессор

Ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти тарихида ҳеч ким Навоийчалик чуқур из қолдирмаган. Шоирнинг илмий, диний-фалсафий, бадиий асарлари ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг каламига мансуб бўлган “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир” сингари асарлар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Шоир асарларининг мавзулари ранг-баранг ва серкирра. Ҳар бири ўқувчини маънолар оламига олиб киради, инсон камолоти борасидаги ўғитларидан ўзига керакли хулосалар чиқариб олишига туртки беради. Навоий ўз асарларида инсон шахсини юксакларга кўтари, инсонпарварлиқни, одамлиқни, эзгуликни, ҳалқпарварлиқни улуғлайди. Давлатимиз раҳбарининг “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамлиқ, гуманизм ғояси бўлади. Мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини кўрамиз”, деган даъвати том маънода улуғ бобомиз ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш вазифасини кун тартибига қўяди. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётган ҳозирги паллада Навоий асарлари миллий ғоя атрофида жипслашишга, миллий руҳнинг юксалишига хизмат қилиши табиий.

Шоир “Ҳайрат ул-аброр” дostonида:

**“Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўрақдурур”**

деб айтади. Юртимиздаги янгилаш жараёнларига дахлдорлик ҳисси билан яшамоқ, бу борада давлатимиз юритаётган пухта уйланган сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда ташаббускорлик, аввало, ўзимиз, оиламиз манфаатида хизмат қилишини унутмаслигимиз керак.

Шоир ёзади:

**“Ким жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишонни анга имон эрур.
Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё”.**

Ҳазрат демоқчи: “сабр қилишни, шукр қилишни ва ҳаёли бўлишни ўзига шоир



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

қилган кишини ҳақиқий имонли одам дейиш мумкин”.
Яна айтади:

**“Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале борча чин ҳам деғулик эмас”.**

Бугун жамиятимизда, фуқароларимиз тафаккурида фикр эркинлигининг тўғри шаклланишида бу ўғитларнинг аҳамияти бекиб.

Яна бир ўринда Навоий таъкидлайди:

**“Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.
Фақр аҳли била ангаки суҳбат бўлғай,
Шак йўқи, зиёда шукри неъмат бўлғай”.**

Бу билан Навоий инсонларни жоҳил ва қора ниятли одамлардан сақланиш, шукроналик ҳисси билан яшашига қақиради.

Инсон бошқаларга нимаси билан наф келтиради? Унинг ҳаётда яшашдан мақсади нима? Бу ҳақда шоир кенг мулоҳаза қилади. Ўқувчиларни атрофимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар моҳиятига диққат қилиш ва қуруқ гап билан эмас, амалий ишлар билан жавоб беришга ундайди. Инсон деган номни кўтариб юрган ҳар бир шахсга фикран бундай деб мурожаат қилади:

**“Тухум ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.
Пола тухмича гайратинг йўқму?!
Пилла куртича ҳимматинг йўқму?!”**

Бу сатрлардан ҳар бир ёш етарлича хулосалар чиқариб олмоғи даркор. Жонзот борки, барча-барчаси, қурту қумурсқалардан тортиб баландпарвоз қушларгача кейинги авлодга ошён яратиш, уларни учирма қилиш, яхши шариоатларга эга макон излаш учун тинмай ўзини ўтга-чўққа уради. Нега энди инсон боласи келажагига лоқайд, атрофидаги ўзгаришларга бепарво яшаши керак экан?! Аксинча, у эл-юрт, порлоқ келажак учун ёниб яшамоғи даркор. Бунинг учун эса инсон, аввало, Ватанини, она заминини, ўз миллий қадриятларини қаттиқ севиши, миллий ғоя мафқурасини маҳкам тугмоғи лозим. Биринчи навбатда, ёшларимиз билимларни ҳар томонлама чуқур ўрганиши, ўз касбини моҳир устаси бўлиш, она тили ва адабиётини севиш, миллий анъана ва қадриятларини улуғлаш каби ғояларга эрга бўлмоғи даркор. Акс ҳолда у, Навоий айтганидек, ҳаммомга кириб, ювинмасдан, покланмасдан чиқиб кетгандек бўлади:

**“Қамол эт касбким олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамоғи ўтмак биайниқ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ”.**

Алишер Навоий асарларидаги Фарҳод, Ширин, Шопур, Меҳинбону, Лайли, Қайс, Анушервон, Баҳром, Дилором, Сухайл каби юзлаб тимсоллар бизларни яхшиликларга, эзгуликларга етаклайди, Хисрав, Шеруя каби образлар эса сергак, огоҳ бўлиб яшашига чорлайди.

Шоир ёзади:

**“Ким жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишонни анга имон эрур.
Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё”.**

Ҳазрат демоқчи: “сабр қилишни, шукр қилишни ва ҳаёли бўлишни ўзига шоир қилган кишини ҳақиқий имонли одам дейиш мумкин”.

Ҳозир Президентимиз томонидан илгари сурилаётган миллий руҳни кучайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли кенг қатламларининг жамиятимиздаги улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнига онгли равишда қўшилишига қаратилган чора-тадбирлар Алишер Навоий томонидан илгари сурилган ғояларнинг ҳар бир ёш қалбидан жой олишини тақозо этади. Бизнинг бош мақсадимиз ёшларга замонавий илм-фан, техника сирларини ўргатиш ва уларни маънан юксак ва жисмонан баркамол авлод қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу йўлда бизга тўсиқ бўлаётган иллатлар истаганича топилади. Бизнинг юксак марраларни қўзлаб ташлаётган дадил қадамларимиздан безовталанган ғанимларимиз орасида тинч ва осуда ҳаётимизни лойқалатишга, ёшларимизнинг онгини заҳарлашга, атайин бекорорлик юзага келтириб, норозилик кайфиятини авж олдиришга уринаётганлар йўқ эмас. Уларга қарши туриш, ёшлар мафқурасини тўғри йўналтиришда ҳазрат Навоий ҳикматларини ишга солиш катта ёрдам беради. Уларни тушуниш учун Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини чуқур ҳис қилиш, сатрларда яшириниб ётган маъноларни тўла англаб етиш ва улардан тўғри хулосалар чиқариш лозим. Зеро, Навоий айтганидек:

**“Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл”.**

Бу йил Алишер Навоий таваллудига 580 йил тўлди. Президентимиз қарори билан 2021 йил ноябрь ойида буюк шоир ва мутафаккир бобомизнинг ушбу табаррук ёши мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланади. Миллатимиз фахр-ифтихори бўлган улуғ бобокалонимизнинг шеърӣ ва насрий асарларидаги юксак гуманист ғояларини ўрганиш ва тарғиб этиш, Алишер Навоий ординининг таъсис этилиши, Алишер Навоий номидаги ижод мактаби ва Алишер Навоий халқаро жамоат фондининг ташкил этилиши, шоир асарлари асосида кўрғазмалар, танловлар ўтказиш, махсус кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, ўқув-маърифий фильмлар яратиш ишлари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ёшларнинг маънавий тарбиясига катта ҳисса қўиши шубҳасиз.

Шоир асарларида илгари сурилган халқпарварлик, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро тенглик, бағрикенглик сингари ўлмас ғоялар асло ўз кимматини йўқотмайди, бизларни янги-дан-янги марралар, зафарлар сари чорлаб тураверади.



Фирюза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори,
Республика маънавият ва маърифат
маркази эксперти

Ўз юрти, аждодлари тарихини билиш, англаш ва уқиб юксак маънавий бойлиқдир. Ана шу бойликка эга ёшларимизда ватанпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик фазилатлари ҳам шаклланиб боради. Шунингдек, буюкларнинг улкан салоҳияти уларни ҳам улкан ишларга чорлайди.

Замон ўзгарса-да, маънавий-маърифий юксалиш ҳар доим энг муҳим жабҳа бўлиб келган. Айниқса, Алишер Навоийнинг биз авлодларга, эртаимиз эгаларига ҳар томонлама ибрат бўлиб келаётгани, маънавий ҳаётимизда унинг шахси нақадар юксалик касб этишини ёшларимиз чуқур ҳис қилишлари керак.

Навоий ўз даврида ҳали муҳрдор, ҳали вазир бўлиб юрса-да, илм, адабиёт, санъат ва ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаган, уларга ҳамиша ҳомиyliк қилгани тарихий манбаларда қайд этилган. Жумладан, Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Навоий тақлифи билан ёзилган қирққа яқин асарни санаб ўтган. Ўз даврининг йирик адабиёт назарийчиси Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг 1493 йилдаги “Бадойиъ ус-санойиъ” асари ҳам Навоийнинг жиддий талаби ва ҳомиyliлиги билан тайёрланган. Мазкур ишларнинг мантикий давоми эса бугун Ўзбекистонимиз янги Ренессанс оstonасида ёш иқтидор ва истеъдод эгалари учун ташкил этаётган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда янги Навоийлар, Беруний, Ибн Синоларни тарбиялаб етказишда кўринади.


Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Навоий шахсий даромадлари ҳисобидан қўлаб иморатлар қурдирган, жумладан, улар орасида мадрасалар, хонақоҳлар, масжид, табибхоналар, макбаралар, кўприклар, тўғонлар,

ҳаммомлар бор. Хиротдаги Низомия, Ихлосия мадрасалари, Халосия хонақоҳи, Шифоия табибхонаси, Марвдаги Хусравия мадрасаси ана шундай машҳур меъморий ёдгорликлардандир.

Навоий нафақат шоир, балки давлатшунос, ҳуқуқшунос сифатида ҳам машҳурдир. Масалан, ўз вақтида Хусайн Бойқаро Хоразм музофотини обод қилиш учун Хуросондан уч минг хонадонни кўчириш ҳақида буйруқ берган. Шунда Навоий лавозими тақозосига кўра фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи ҳимоясига отланган, давлат манфаати учун қаттиқ туриб, юксак маънавий жасорат билан бу буйруқни бекор қилиш ҳақида шохга кетма-кет мурожаат йўллаб, оқибатда муаммони халқ фойдасига ҳал эта олган. Адолатли подшоҳ эса уч минг хонадон ўрнига бир қисм, яъни ихтиёрий борувчиларни юборишга қарор қилган. Бу бугун ибрат ва намуна мактаби эмасми?

“Ҳайрат ул-аброр” асарининг “Учинчи ҳайрат” ида Навоий дунё халқларини ҳамжиҳатликка қорловчи куч-қудратни, ўзаро тенглик, ўзаро келишув каби халқаро ҳуқуқ тамойилларини ҳайрат билан, ўзининг қалбдан даъвати билан ёзгани, “Меҳр чу машир сори урди алам, Олди жаҳон мамлакатин яққалам”, дейди. Яъни бу яққаламлик халқлараро, давлатлараро ўзаро тотувлик даъвати бўлиб, мазкур даъват ва орзу-ўйларининг мантикий уйғунлиги “Сади Искандарий” асарида ҳам қайд этилган. Унга кўра, уришқоқ шоҳлардан кўра тинч ва инсофли икки дўст — дарвеш мамлакат учун яхшироқ, фойдалироқдир.

Бугун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тинчликка, ўзаро ҳамкорликка қаратилган. Айниқса, Афғонистон билан қўшничилик муносабатлари, бу мамлакатдаги барқарорликка қаратилган Тошкент декларацияси Навоий қолдирган улкан меросининг амалий ифодасидир. Ўзбекистон Президентининг БМТга аъзо давлатларга “БМТ Бош Ассамблеясининг” Маърифат ва диний



бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи ҳам бежиз бўлмаганди. “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”, деб таъкидлаганди давлатимиз раҳбари.

Қувонарли томони, Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишидаги мазкур ислохотларнинг маънавий асослари Навоий ижоди билан ҳамоханг. Жумладан, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги бешинчи устувор йўналишлар борасида қилинаётган ишлар дунёнинг барча давлатлари, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимизни кенгайтирмоқда. Бунда Марказий Осиёнинг бошқа қардош давлатлари билан муносабатлар, ўзаро манфаатли алоқалар изчил йўлга қўйилгани, минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтаётгани, минтақа бўйлаб эркин ҳаракатланиш, қариндош-уруғлар билан борди-келди қилиш учун барча шароитларнинг яратилгани Навоий орзуларининг амалга ошганидир. Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётгани Навоийга ҳурмати чексиз юртнинг инсонпарварлик туғфасидир.

Адлия вазирлиги, адлия ходимлари деган жумлаларни тез-тез тилига олар эканмиз, Навоий асарларида “адл ва дод (эҳсон) ила тузмок”, “қонун-қоида қўймок”, “қоида ва русум тузмок”, “одил ҳукми”, “ростлик, тўғрилиқ сиёсати”, “вазорат девони”, “давлат маншури” каби ҳуқуқий тушунчалар, баъзи ўринларда “Олам ишига берибон интизом” каби қўрсатмаларнинг нечоғли аҳамиятли эканини ҳис этамиз. Бу ибораларни ўзбек тилида кенг жамоатчиликка етказишда навоийшунос олимларимизнинг меҳнати ҳам мутафаккир меросига меҳрдан яралган. Шу ўринда ҳуқуқшунос олим Ҳалим Бобоев, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам тилишунос олима, УзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ишхона Бурбия Ражабова, навоийшунос олим Султонмурод Олимов каби ўнлаб олимларимизнинг илмий ишлари таҳсинга лойиқдир. Аслида Алишер Навоийдек даҳоси бор халқнинг эртаси ёруғ, келажаги порлоқ, Шу боис, 580 йиллиги нишонланадиган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий яратган ўлмас асарлар туганмас маънавий мулк сифатида абадий қолади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида унинг номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилган, Алишер Навоий ордени таъсис этилиши, аллома асарлари ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг хорижий давлатларда сақланаётган факсимиле нусхаларини мамлакатга олиб келиш чоралари қўрилгани бу ишларнинг дебочасидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир”. Алишер Навоий мероси бизнинг қудратли маънавиятимиздир.